

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022/01 - сонли

Тошкент вилояти.

" 01 " 06 2022 йил

“Тошкент вилояти миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги ўринда “буюртмачи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Нурматов Бахтиёр Бахромжонович** бир томондан ва **Бекобод ТИФУК** (кейинги ўринларда “пудратчи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Хусанов Бахром Адхамович** иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти **Бекобод туман Бунёдкор МФЙ Анхор З кўчасини жорий таъмирлаш** (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан xarid.uzex.uz маҳсус ахборот портали орқали (Лот рақами 22110012088022) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти миңтақавий йўлларга буюрмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 25 майдаги баённомасига асосан кўйидаги шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада кўйидаги таърифлар кўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргалиқда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул килиш ва молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Буюртмачи томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

III. ШАРТНОМА БЎЙЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нарҳларда шартноманинг умумий қиймати **ҚҚС билан 106 887 075** (бир юз олти миллион саккиз юз саксон етти минг етмиш беш) сўм, шундан **ҚҚС 13 941 792** (үн уч миллион тўқиз юз қирқ бир минг етти юз тўқсон икки) сўмни ташкил этиб, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач З кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, кўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хulosаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича курилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида буюртмачининг рухсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-пудратчи курилиш давомида смета хужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўгрида буюртмачига хабар бериси шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўгрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, транспорт воситалари, аңжомлар, курилиш материаллари, буюмлар вақтингчалик бинолардан бўшатади;

-курилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача пудратчи жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

4.4. Пудратчи дафтарда буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчиллик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган обьект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизи микдорида бўнак (аванс) бериш ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичida пудратчи томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган хужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда пудратчига қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи пудратчига шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблағи ўтказади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар микдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи обьектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вақтингчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, обьектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш хужжатларини, қилинган сарф-харажатларни буюртмачи томонидан мазкур обьект учун бириттирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни буюртмачига топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл кўйилганини аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.6. Пудратчи ишларни смета хужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиха, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга руҳсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи* буюртмачининг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар буюртмачи *пудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчилари* томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласа, у ҳолда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

X. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган обьект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўрикланишини таъминлаиди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажариласлиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгид бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, *Пудратчидан* зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равищда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда *Пудратчи* ва *Буюртмачи* ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЬЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИВ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган обьектларни

фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Махаллий ички хўжалик йўлларини қуриш ва таъмирлаш обьектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказилади;

Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ маҳсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиши соҳасидаги амалда бўлган меъёрий хужжатлар, қурилиши нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Махаллий ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш обьектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказишга ихтиосослашган, кўп ишлар тажрибага эга корхона (ташкилот, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича хуносаларини олиш талаб қилинади.

2). Бажарилган ишлар (хизматлар)ни хақиқий иш хажмини аниқлаш учун банк мутахассислари ўлчов назорати ўтказилади (ўлчов назорат харажати пурдатчининг бошқа харажатлари ҳисобидан қопланади);

3). Пурдатчи ташкилоти томонидан тугалланган обьектни қабул қилиб олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

4). Ички йўлларни жойларда фойдаланишга қабул қилиши юзасидан тузилган иичи гуруҳ томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. Пурдатчи ташкилот ишчи гуруҳига куйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъуль ижро чилилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-курилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш журнали;

- ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш “Йўл қурилиш сифат назорат қилиш” давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилингандиги далолатномалари.

11.4. Пурдатчи жорий таъмирлаш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ буюртмачига буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пурдатчи буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пурдатчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета хужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида обьектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишини;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар обьектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом этириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар пурдатчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пурдатчи ва буюртмачининг икки томонлами далолатномасида қайд этилади.

Агар пурдатчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий хужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш хукукига эга.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. Буюртмачи:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бопшаниши буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-Пудратчи томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

13.2. Пудратчи:

-ишларнинг бажарилиши пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларидаги ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун хужжатларидаги, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмиглаш ишларини олиб бораётган пудратчи ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ буюртмачи олдида куйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмиглаш жарабёнида ёки оралиқ қабул қилинча Пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишини орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун буюртмачи пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) микдорида пеня тўлайди, бунда пенининг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. Пудратчи томонидан объективни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенининг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда буюртмачи ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда «Йўлқурилишсифатназоратқилиш» давлат инспекцияси хulosаси асосида объективни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган микдорида жарима ундириш хукуқига эга. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун пудратчи Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонунининг 26 моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20%(фоизи) микдорида жарима тўлайди.

14.5. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш хукуқига эга.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганилиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганилиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътиroz тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равищда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равищда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича хукуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

17.2. Мазкур шартномага қўйидагилар илова қилинади;


1-илова – Бажариш жадвали,

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК
Тошкент вилояти Нурафшон шахри Бобур кўчаси 119 уй
Ш/х: 304521860274017045129118137
ИНН: 304 943 564 ОКЭД 42110
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Фазначилигининг Амалиёт Бошқармаси
x/r 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Директор  Б.Б.Нурматов

Юрист: С.Урунбаев



ПУДРАТЧИ

“Бекобод туман йўллардан фойдаланиш унитар” корхонаси
Тош.вил Бекобод т. Зафар ш. Тошкент кўчаси
M.x/p2262 6000 2001 3199 4005
Банк АТИБ Ипотека банк Бекобод филиали
ИНН: 200 556 419 ОКЭД: 42110
МФО:00489

Директор  Б.А.Хусанов



Тошкент вилояти Бекобод туман Бунёдкор МФЙ Анхор 3
кўчасини жорий таъмирлаш
2022 йил " 01 " 06 даги 10:00-сонли шартномасига

1-илова

Тошкент вилояти Бекобод туман Бунёдкор МФЙ Анхор 3 кўчасини жорий таъмирлаш
БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

сўм

| № | Амалга ошириладиган ишлар | Йиллар | 2022 йилда объект қиймати | | | | | | | | | | | | Иш турлари бўйича умумий қиймати | |
|----------|---------------------------|--------|---------------------------|---------|------|----------|-----|-------------|-----------|--------|----------|----------|--------|---------|----------------------------------|--|
| | | | I чорак | | | II чорак | | | III чорак | | | IV чорак | | | | |
| | | | январь | февраль | март | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь | октябрь | ноябрь | декабрь | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | |
| 1 | Жорий таъмирлаш | 2022 | | | | | | 106 887 075 | | | | | | | 106 887 075 | |
| ХАММАСИ: | | 2022 | | | | | | 106 887 075 | | | | | | | 106 887 075 | |



М. Рахимов

ПУДРАТЧИ:



Тошкент вилояти Бекобод туман Бунёдкор МФЙ
 Анхор 3 кўчасини жорий таъмирлаш
 2022 йил "О1" об даги шартномасига
 шартномасига

2-илова

Тошкент вилояти Бекобод туман Бунёдкор МФЙ Анхор 3 кўчасини жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

| Молиялаштириши жадвали | Йиллар | 2022 йил | | | | | | | | | | | | Сўм |
|---|--------|--|--------|------|-------|-----|-------------|-----|--------|---------|---------|--------|---------|-------------|
| | | январ | феврал | март | апрел | май | июн | июл | август | сентябр | октябрь | ноябрь | декабрь | |
| Ажратилган аванс маблаги | 2022 | | | | | | 32 066 123 | | | | | | | 32 066 123 |
| Ажратилган аванс маблагини инобатта олиб бахарилган ишларни молиялаштиришга ажратилдиган маблаг | 2022 | | | | | | 74 820 952 | | | | | | | 74 820 952 |
| Жами: | 2022 | | | | | | 106 887 075 | | | | | | | 106 887 075 |
| Жами молиялаштириладиган маблаг | | 106 887 075 (бир юз олти миллион саксиз юз саксон етти минг етмиш беш) | | | | | | | | | | | | |



all Pidzam



ПУДРА



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент вилояти

Toshkent viloyati Toshkent sh., 100011, Abay ko'ch., 6-uy Tel: +998 71 244-43-56, Faks: +998 71 244-26-05, e-mail: vilekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: NORBAYEV DUSMUROT ELOMONOVICH

Sana: 13-05-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 41396

Obyekt nomi ««Тошкент вилояти Бекобод тумани Бунёдкор МФЙ Анхор З кўчасини жорий таъмирлаш»»

Buyurtmachi - Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК

Bosh loyihachi - МЧЖ «YO'L LOYIHA TARAQQIYOT»

Litsenziya Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги томонидан 02-10-2019йилда берилган

Moliyalashtirish manbai - Республика бюджети маблағлари хисобидан.

Bosh pudratchi - Танлов савдолари асосида аникланади.

Qurilish turi Жорий таъмирлаш

Murojaat raqami: № 40559

1. Loyihalash uchun asos

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи ПҚ-172- сонли қарори.
- 1.2. Лойиха учун бошланғич харажатларни ҳисоблаш учун лойиха топшириғи буюртмачи «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан тасдиқланган ва лойиха ташкилоти МЧЖ «YO'L LOYIHA TARAQQIYOT» томонидан 2022 йилда келишилган.
- 1.3. Буюртмачининг «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК 2022 йил 29 апрелдаги 01/12-372- сонли хати.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

- 2.1. Лойиха ва ижро схемаси бўйича нуқсонли далолатнома, «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан тасдиқланган, Бекобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси, Бунёдкор МФЙ раҳбарияти ва лойиха ташкилоти МЧЖ «YO'L LOYIHA TARAQQIYOT» томонидан 2022 йилда келишилган.
- 2.2. Такдим этилган смета хужжатлари жорий нархларда ККС билан ва буюртмачи харажатларисиз 123193,573минг сўм миқдорида.
- 2.3. Локал манбалар рўйхати ва зарурӣ манбалар рўйхати.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

- 3.1. Тошкент вилояти Бекобод тумани Бунёдкор МФЙ Анхор З кучаси қўйидаги параметрларга эга:

- - таъмирланаётган йўл бўлагининг узунлиги – 300,0 п.м.
- - қатнов кисмининг ўртача эни – 4,0м.
- 3.2. Тақдим этилган смета ҳужжатлари ва тасдиқланган нуқсонли далолатномада қуидаги ишлар кўзда тутилган:
- - Чакиқ тошдан Зсм текисловчи қатlam ётқизиш;
- - Қайноқ майда заррали асфалтобетонни 5см қалинликда ётқизиш ва бошқалар.
- 3.3. Хисоб – китоб смета харажатлари ВМ қарорларига мувофиқ жорий нархларда тузилган 11.06.2003 йилнинг №261 сонли "инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида"ги қарори, 12.05.2004 йил №226-сонли "Ўзбекистон ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ва ШНҚ 4.01.16-09-сон "қурилиш харажатларини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари".
- Ҳисоблаш ресурс усулига асосланган.
- Асосий қурилиш материаллари, конструксиялар, маҳсулотлар ва асбоб-ускуналар қиймати ҳар чоракда ишлаб чиқилган жорий нархлар каталогига, қурилиш материаллари биржалари ва ярмаркаларидағи нархлар, заводларнинг улгуржи ва сотиш нархларига мувофиқ белгиланади.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

- Лойиха учун бошланғич харажатларни ҳисоблаш учун топшириғи, обьектдаги нуқсонли далолатнома ва ижро этувчи схема буюртмачи «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан 2022 йилда тасдиқланди.

6. Ekspertiza natijalari.

- 6.1. Тақдим этилган ҳужжатларни локал хulosалар бўйича экспертизадан ўтказиш жараёнида ўзгартириш, қўшимча ва тузатишлар киритилди.
- 6.2. Экспертиза текшируви натижаларига кўра, смета ҳужжатларининг ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 123193,573минг сўм жорий нархларда тақдим қилинган қиймати 6796,967 минг сўмга камайтирилди ва ҚҚС билан буюртмачи харажатларисиз 116396,606минг сўмни ташкил этди.
- Камайишга ишчи лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини созлаш, элементар ресурс стандартлари, стандартларини аниқлаштириш, қиммат пардозлаш материалларини йўқ қилиш, ишлайдиган машиналар ва механизmlарнинг нархи, асосий қурилиш материалларининг нархи, қурилиш ишчиларининг меҳнат харажатлари ва бошқалар орқали эришилди.
- Пудратчининг бошқа харажатлари даражаси 19,0% миқдорида қабул қилинди.
- 6.3. Демонтаж ишлари давомида материалларни қайтариш нархи буюртмачи ва пудратчи билан биргаликда аниқланиши керак.
- 6.4. Ҳужжатлар эксперт текшируви учун буюртмачининг шарҳларисиз тақдим этилган.
- 6.5. Тасдиқлашдан олдин буюртмачи ҳужжатларни барча манфаатдор ташкилотлар билан белгиланган тартибда мувофиқлаштириши керак.

7. Xulosalar.

- **7.1.** Объект учун жорий нархларда тахмин ҳужжатлар қиймати ҳисоблаш кўра **Тошкент вилояти Бекобод тумани Бунёдкор МФИ Анхор З кўчасини жорий таъмирлаш** экспертиза натижаларини ҳисобга олган ҳолда ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 116396,606 минг сўм миқдорида харажат билан келгусида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун

тавсия этилади.

- Экспертиза натижалари билан белгиланадиган тавсия этилган харажат шартнома тузиш учун асос эмас.
- 7.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003 йил 261-сонли қарори билан тасдиқланган «Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисидаги вақтингчалик низом»га мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг 31.01.2022 йилдаги №46-сонли қарорига асосан танлов савдо натижаларига кўра ишларнинг қиймати амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда буюртмачи томонидан қабул қилинади ва ҳоказо.

Bosh mutaxassis: Qarshibayev Rustamjon Absami o'g'li

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 88022 на приобретение Бекобод тумани
Бунёдкор МФЙ Анхор З кўчасини жорий таъмирлаш.**

Способ проведения электронный

Дата 25.05.2022

Время рассмотрения 25.05.2022 15:17

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Минтакавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|------------------------------|-----------------------------------|--|---|
| Член комиссии | NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI | Sektor mudiri | Toshkent viloyati moliya bosh boshqarmasi |
| Председатель комиссии | NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH | директор | Тошкент вилояти МИБХ ДУК |
| Секретарь комиссии | JUMAYEV SUXROB UKTAM O'G'LI | Bosh mutaxassis | Toshkent viloyati MYBX DUK |
| Член комиссии | ZAKIROV AZIZJON BAXADIROVICH | Bosh mutaxassis | "O'ZYOLINSPEKSIYA" |
| Член комиссии | SHAKIROV ABDUMANON XALILOVICH | Toshkent viloyati soliq boshqarmasi inspektori | Toshkent viloyati soliq boshqarmasi |
| Член комиссии | ABRALOV BEXRUZZON ISKANDAR O'G'LI | Yetakchi mutaxassis | Toshkent viloyati hokimligi |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 25.05.2022 года № лота 88022.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| Наименование товара (работы, услуги) | Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог |
|--------------------------------------|---|
| Подробное описание | Бекобод тумани Бунёдкор МФЙ Анхор З кўчасини жорий таъмирлаш. |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 116 396 606.00 |
| Стартовая сумма | 116 396 606.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп.. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Ўтган йилда 100 млн. сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 100 млн. сўм. 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп. 7. Объектнинг буюртмачи белгилаган бошлиғич нархининг 20% миқдоридаги ҳисоб рақамдаги маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади).

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| BEKOBOD TUMAN YFUK | 34 | 106887075 | 28 | Экспертная | | |
| ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH | 34 | 105686459 | 34 | Экспертная | | |

Критерий №2 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни (автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш) ўз кучи билан бажариш: Йилига N (N-Буюртмачи бошланғич нархининг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| BEKOBOD TUMAN YFUK | 25 | 106887075 | 25 | Экспертная | | |
| ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH | 25 | 105686459 | 25 | Экспертная | | |

Критерий №3 IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг Машина ва механизмлар руйхати, 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун, кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги, жумладан: 1. Юк кўтариш қуввати 10 тоннадан кам бўлмаган бортли ўзиғдарувчилар- 2 дона; 2. Асфальтётқизгичкенглиги 6,5 метргача - 1 дона; 3. Ҳар хил йўл зичлагичлар - 2 дона (бир хил зичлагичлар 1 та ҳисобига саналади); 5. Автогрейдер -1 дона; 6. Ювиш машинаси- 1 дона(ижараасосидаги қурилиш техникалари баллари 30% камайтирилади). 7. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирлиқдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларининг мавжудлиги.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| BEKOBOD TUMAN YFUK | 20 | 106887075 | 13 | Экспертная | | |
| ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH | 20 | 105686459 | 8.9 | Экспертная | | |

Критерий №4 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 1-ва 3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилишда иш тажрибасига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар). 3. Ишлаб чиқариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.. 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган

малакавий ишчилар мавжудлиги.. 5. Ишчи ходимларнинг йиллик ўртача сони 20 киши. 6. Мехнатни муҳофаза килиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| BEKOBOD TUMAN YFUK | 19 | 106887075 | 19 | Экспертная | | |
| ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH | 19 | 105686459 | 16 | Экспертная | | |

Критерий №5 V. Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойиҳани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл, 1 – илова

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Курилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўрганлиги ва ўрганиб чиқсанлиги. 2. Объектнинг жамланма жадвали (1-илова)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--------------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| BEKOBOD TUMAN YFUK | 2 | 106887075 | 2 | Экспертная | | |
| ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH | 2 | 105686459 | 1 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|--------------------------------------|-----------------|--------------------|------------------------|-------------------------|
| BEKOBOD TUMAN YFUK | 116 396 606.00 | 106 887 075.00 | 24.05.2022 12:57:53 | 29.66 |
| ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH | 116 396 606.00 | 105 686 459.00 | 25.05.2022 02:07:01 | 30.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|--------------------------------------|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| BEKOBOD TUMAN YFUK | 60.9 | 29.66302 | 90.56302 |
| ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH | 59.43 | 30 | 89.43 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 88022 от 25.05.2022 года на приобретение Бекобод тумани Бунёдкор МФЙ Анхор З кўчасини жорий таъмирлаш. определила победителем:

BEKOBOD TUMAN YFUK
200556419

и резервный исполнитель: ООО FARAVON BUNYODKOR ISHONCH (304079278)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|------------------------------|----------------------------------|-------------|-------------|
| Председатель комиссии | NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | ZAKIROV AZIZJON BAXADIROVICH | Согласен | |
| Член комиссии | NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

III. Махмудов

2022 3

Ўзбекистон Республикаси Предидентнинг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98 сонли қарорига асосан Республика бюджети маблағлари ҳисобидан Тошкент вилоятида ҳудудидаги ички йўлларни таъмирлаш борасида амалга ошириладиган ишлари бўйича 2022 йил учун дастраси

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

(06.04.2022 үнде тасдиқланған мәнзипли дастурға құшымчы

| Т/Р | Объектлар номи ва манзили | Курилиш ишларининг бошланishi ва тугалланиш йилли | Лойиҳавий куввати, тегниши уйлов бирликларида (км/тм) | 2022 йил режаси | | | | | | 2022 йилда ишга туширилиши | | | Объектнинг келгуси илга ўқизиладиган 01.01.2023 йилга колдик киймати, шу жумладан буортчанинг | Лойиҳа экспертиза санаси ва рақами | Тендер саводлари баённомаси тасдиқланган сана ва рақам | Пудрат куриши ташкилотлари | | | | | |
|-----|--|---|---|-----------------------|-----------|-----------|-----------|---------------------------------------|--------------------|-------------------------------|---------|-------|---|------------------------------------|--|----------------------------|---|-------------------------|----|--|--|
| | | | | Шу жумладан | | | | | | Буортчанинг бошқа харажатлари | | | | | | | | | | | |
| | | | | Жами маблаглар лимити | ҚМИ | Жижозпар | Жами | Шундан буортчанинг сакшаш харажатлари | Куовати ва муддати | Асосий фондлар | | | | | | | | | | | |
| 1 | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | | |
| | Тошкент вилояти бўйича жами: | | 157,9 | 7 467,137 | 7 467,137 | 7 467,137 | 7 467,137 | 65 248,000 | 51 313,1 | 3 677,6 | 2 419,7 | | 7 467,1 | | | | | | | | |
| | Шундан: | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Тақсимланмаган лимит | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Ангрен шахар бўйича жами | | 7,000 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Тақсимланмаган лимит | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Улуғбек МФИ Ш.Рашидов кўчасини жорий таъмирлаш | 2022 й | 0,650 | | | | | | | | | | | | | | | Танлов (тендер) | | | |
| 2 | Улуғбек МФИ Ш.Рашидов топ кўчасини жорий таъмирлаш | 2022 й | 0,500 | | | | | | | | | | | | | | | Танлов (тендер) | | | |
| 3 | Улуғбек МФИ Ш.Рашидов 2 топ кўчасини жорий таъмирлаш | 2022 й | 0,500 | | | | | | | | | | | | | | | Танлов (тендер) | | | |
| 4 | Улуғбек МФИ Янги хайт 3 топ кўчасини жорий таъмирлаш | 2022 й | 1,200 | | | | | | | | | | | | | | | Танлов (тендер) | | | |
| 5 | Улуғбек МФИ Улуғбек 1 топ кўчасини жорий таъмирлаш | 2022 й | 0,300 | | | | | | | | | | | | | | | Танлов (тендер) | | | |
| 6 | Улуғбек МФИ Улуғбек 2 топ кўчасини жорий таъмирлаш | 2022 й | 0,300 | | | | | | | | | | | | | | | Танлов (тендер) | | | |
| 7 | Улуғбек МФИ Мастаб кўчасини жорий таъмирлаш | 2022 й | 0,650 | | | | | | | | | | | | | | | Танлов (тендер) | | | |
| 8 | Улуғбек МФИ Маданият кўчасини жорий таъмирлаш | 2022 й | 0,900 | | | | | | | | | | | | | | | Танлов (тендер) | | | |
| 8 | Боботоғ МФИ -5/1-Б даҳа ички йўлларини жорий таъмирлаш | 2022 й | 2,000 | | | | | | | | | | | | | | | Танлов (тендер) | | | |
| | Бекобод шахар бўйича жами | | 2,918 | 746,961 | 746,961 | 746,961 | 746,961 | 1 583,000 | 1 241,762 | 65,614 | 37,971 | | 746,961 | | | | | | | | |
| | Тақсимланмаган лимит | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Маърифат МФИ Бойкент оралиқ кўчасини жорий таъмирлаш | 2022 й | 0,183 | 70,886 | 70,886 | 70,886 | 70,886 | 70,886 | 67,949 | 2,937 | 1,602 | 0,183 | 70,886 | | | №40757 11.05.2022 й. | 25.05.2022 й №86767 лот №86767 | Бекобод ТИФУК | | | |
| 2 | Маърифат МФИ Истиқлол кўчаси, Булокариқ кўчасидан Меъмор кўчасига чиқиш қисмини жорий таъмирлаш | 2022 й | 0,065 | 2,937 | 2,937 | 2,937 | 2,937 | 2,937 | 42,825 | 41,113 | 1,712 | 0,642 | III-чорак | | | | | Танлов (тендер) асосида | | | |
| 3 | Маърифат МФИ Янги маҳалла идорасига бориши қисмини жорий таъмирлаш | 2022 й | 0,070 | | | | | | 31,000 | | 1,752 | 0,657 | | | | | | Танлов (тендер) | | | |
| 4 | Маърифат МФИ Саломатлик кўчасидан Фарогат кўчасига кириш қисмини жорий таъмирлаш | 2022 й | 0,100 | | | | | | 60,252 | 57,282 | 2,970 | 1,620 | | | | | | Танлов (тендер) асосида | | | |
| 5 | Маърифат МФИ 12, 8 кўп қаватли уйлар атрофаридан ўтувчи кўчаларни жорий таъмирлаш | 2022 й | 0,300 | | | | | | 131,935 | 127,660 | 4,275 | 2,565 | | | | | | Танлов (тендер) асосида | | | |
| 6 | Маърифат МФИ 4-кўп қаватли уйга кириш қисмини жорий таъмирлаш | 2022 й | 0,030 | | | | | | 15,074 | 13,946 | 1,128 | 0,282 | | | | | | Танлов (тендер) | | | |
